

Қ А Р О Р

(маъмурий назорат муддатини узайтиришни рад қилиш тўғрисида)

2026 йил март ойининг 17 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, туман судининг раиси И.Сабиловнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ж.Сапарбаевнинг котиблигида, томонлардан Чилонзор туман ИИО ФМБ профилактика инспектори З.Камоловнинг иштирокида, Чилонзор туман ИИБ ФМБ бошлиғининг,

Арипова Шахзода Рустам қизи (ARIPOVA SHAXZODA RUSTAM QIZI), 1996 йил 10 апрелда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, ажрашган, вақтинча ишсиз, муқаддам судланган, 1) Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 2017 йил 28 июндаги ажримига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисми билан юритилган жиноят иши ЖКнинг 66¹-моддасига асосан тугатилган, 2) Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 2020 йил 25 декабрдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг "б" банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 72-моддасига асосан 1 йил синов муддати белгиланган (Учтепа туман ИИО Пробаця гуруҳи МТБ инспекторининг 28.03.2021 йил 28 мартдаги №27/56-5пр-сонли маълумотномасига кўра, синов муддатининг 2 ойи 1 куни ўталган), 3) Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судининг 2021 йил 25 майдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 1-қисми ва 168-моддаси 3-қисмининг "б" банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ЖКнинг 59,60,61,62-моддалари тартибида узил-кесил ўташ учун 122.500 сўм жарима ва 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 72-моддасига асосан 1 йил синов муддати белгиланган, 4) Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2021 йил 30 июлдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 1-қисми ва 168-моддаси 3-қисмининг "б" банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми, 61,62-моддалари тартибида узил-кесил ўташ учун 122.500 сўм жарима ва 5 йил 2 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 72-моддасига асосан 2 йил синов муддати белгиланган, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Янгиҳаёт туман судининг 2022 йил 17 февралдаги ажримига



кўра, синов муддати бекор килиниб, озодликдан махрум килиш жазоси утатириш белгиланган, Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов хайъати апелляция инстанциясининг 2022 йил 29 мартдаги ажримига кўра, суд хукми ўзгартирилиб, Ш.Арипова ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми, 61-моддаси тартибида узил-кесил уташ учун 12.372.500 сўм жарима ва 3 йил муддатга озодликдан махрум килиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 72-моддасига асосан 2 йил синов муддати белгиланган, 2025 йил 02 декабрда МЖКнинг 161-моддаси, 2025 йил 14 декабрда 128⁶-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилган, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Катта Навбахор МФЙ, Ц-мавзе, 2-уй, 36-хонадонда истиқомат қилувчига

нисбатан маъмурий назорат муддатини узайтириш ҳақидаги тақдимномасини, иш ҳужжатларига қўшиб кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Арипова Шахзода Рустам кизи Чилонзор туман ИИО ФМБ ХПБда муқаддам судланган шахс сифатида профилактик ҳисобига олиниб, у билан профилактик ишлар олиб борилганлиги, лекин жазо муддатини ўтаб қайтиб, ўзига берилган жазодан ижобий хулоса чиқармаганлиги, жамиятда юриш-туриш қоидалари ва жамоат тартибига зид хатти-ҳаракатларни даъвом эттириб келганлиги аниқланган.

Жумладан, Арипова Шахзода Рустам кизи:

-Тошкент шаҳар Миробод туман ИИО ФМБ профилактика инспекторининг 2025 йил 02 декабрдаги Қарори билан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 161-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этишда айбли деб топилиб, унга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баробари миқдорида, яъни 412.000 сўм миқдорида жарима жазоси тайинланган.

-Тошкент шаҳар Миробод туман ИИО ФМБ профилактика инспекторининг 2025 йил 14 декабрдаги Қарори билан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 128⁶-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этишда айбли деб топилиб, унга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баробари миқдорида, яъни 824.000 сўм миқдорида жарима жазоси тайинланган;

Тақдимномада, Арипова Шахзода Рустам қизи тайинланган жазолардан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмаганлиги, тўғри хаёт кечириш йўлига ўтишни истамаётганлиги кўрсатилиб, унга нисбатан мамурий назорат муддатини узайтириш сўралган.

Суд мажлисида Тошкент шаҳар Чилонзор туман ИИО ФМБ профилактика инспектори З.Камолов тақдимномани кувватлаб, Арипова Шахзода Рустам қизига нисбатан маъмурий назорат муддатини узайтиришни суради.



Суд мажлисида, Арипова Шахзода Рустам кизи содир этган ғайрихуқуқий ҳаракатларидан қаттиқ пушаймонлиги, содир қилган ҳуқуқбузарлик оқибатларини тушуниб етганлигини, бундан кейин жамоат тартибига риоя этиши, ўзига нисбатан хулоса чиқарганлигини бироқ иш ҳужжатлари билан танишиб чиқмаганлигини, ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушинтирилмаганлигини инобатга олиб тақдимномани рад қилишни сўради.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 02 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддасига биноан назорат остидаги шахс адвокат хизматларидан фойдаланиш, кўриб чиқиладиган масала юзасидан изоҳлар бериш, далиллар тақдим этиш, маъмурий назорат муддатини узайтириш ва чекловлар қўллаш тўғрисидаги материаллар билан танишиб чиқиш ҳамда улардан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш назарда тутилган.

Суд, иш ҳолатлари ва қайд этилган қонун талабидан келиб чиқиб, тақдим этилган ҳужжатларни таҳлил қилиб, тақдимнома юзасидан тарафларнинг фикрини тинглаб, маъмурий назорат муддатини узайтириш ҳақидаги тақдимномани рад қилишни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Арипова Шахзода Рустам кизига (ARIPOVA SHAXZODA RUSTAM QIZI) нисбатан маъмурий назорат муддатини узайтириш ҳақидаги Тошкент шаҳар Чилонзор туман ИИО ФМБ бошлиғининг тақдимномаси рад қилинсин.

Арипова Шахзода Рустам кизига нисбатан бўлган иш ҳужжатларни расмийлаштиришда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш учун Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ИИО ФМБга қайтарилсин.

Қарордан норози томон ўн сутка муддат ичида Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят келтириши мумкин.

Раислик қилувчи

имзо

И.Сабилов

Аслига тўғри

